



QR коди орқали газетанинг электрон вариантыни юкляб олинг!

Бугуннинг гапи



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ РИШТАЛАР

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек тили ва адабиёти қанчалик шиддат билан ривожланиб, ўзининг юксак тараққиёт босқичига чиққан бўлса, қорақалпоқ тили ва адабиёти равнақида ҳам шундай кўтарилиш жараёнини қўзғатамиз. Мухтор Республикада кўплаб тилшунослар ва адабиётшунослар етишиб чиқиб, қорақалпоқ филология фанига гўёки иккинчи ҳаёт бағишлади. Қорақалпоқ тили ва адабиёти тарихи, ривожланиш босқичлари, бошқа туркий халқлар билан ўзаро алоқалари бўйича кўплаб диссертациялар химоя қилинди, тадқиқотлар амалга оширилди, монография ва рисоалар ёзилди, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу диссертацияларнинг катта қисми мамлакатимиз пойтахтида химоя қилинди. Бу китобларнинг кўпчилиги Тошкент нашриётларида нашр қилинди.

Хайрия акцияси

ДОНОРЛИК — БЕҒАРАЗ ВА САВОБЛИ ИШ

Қон ҳеч нарса билан алмаштириб, сунъий равишда ишлаб чиқиб бўлмайдиган инсон ҳаётидаги муҳим неъмат ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда донорлик тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда "Адолат" СДП ташаббуси билан 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни ҳамда 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги арафасида "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остида беғараз донорлик акцияси ташкил этилди.

Партиянинг Тошкент вилоят кенгаши томонидан мазкур акция доирасида партия фаолларидан иборат кўнгилли донорлардан қон қабул қилиш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, Тошкент вилояти Олмалик шаҳар қон қўйиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган донорлик тадбирида кўплаб юртдошларимиз ушбу савобли ишга бош қўшишди. Акция давомида "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши ходимлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, фаоллар, Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят ички ишлар бош бошқармаси ҳамда Миллий гвардия Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари, ёшлар ва кўнгилли партия хайрихоҳлари иштирок этишди. — *Ўз хоҳишим билан ушбу савобли ишга ҳисса қўшдим*, — дейди партия фаоли Матлуба Минаварова. — *Албатта, кимнидир саломатлиги йўлида бу каби хайрли ишларни амалга ошириш халқимизнинг қанчалик бағрикенг ва ошжаноб эканлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Мен барчанни ушбу савобли ва хайрли ишга қорлаб қоламан.*

"Бор меҳримиз сенга, болажон!" Наманганда ана шу шиор остида ўтадиган беғараз донорлик акциясига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Маълумки, "Адолат" СДП ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбир бугун ўтказилиши режалаштирилган. Акция Халқаро ногиронлар куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланади.

— *Кейинги йилларда партиядошларимиз иштирокида уюштирилаётган мазкур акция кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда*, — дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ёрқиной Ҳожиमतова. — *Шунинг учун тадбирни юксак савияда ўтказиш чораларини кўрмоқдамиз. Кенгаш қошида ишчи гуруҳ ташкил этилган. Унинг аъзолари ҳар кун жойларда олиб борилаётган тарғибот ишларини мувофиқлаштириб турибди. Бу борада партиядошларимиз ҳамда хайрихоҳларимиз фаоллик кўрсатмоқда.*

КОНСТИТУЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Яна санокли кунлардан кейин мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллигини нишонлаймиз.

Музаффа АБДИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Бош қомусимизнинг ҳаётимиз ва турмуш тарзимизда тутган ўрни сўнги олти йилда ҳар қачонгидан юксалди. Айнан Конституциямизга таяниб, бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Натижада, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта йўналиши доирасида Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича

кенг кўламли ислоҳотлар бошланди. Утган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Аввало, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш давлат идоралари фаолиятининг бош мезони этиб белгиланди. Қувонарлиси, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизни келгуси беш йилликда ривожлантиришга қаратилган 100 та мақсад доирасида ҳам қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида эъозлашга қаратилган бир қатор мақсадлар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, конституциявий ислоҳотларни ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг самарали ва пухта амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Конституциявий комиссия тузилди. Шу билан бирга, ушбу сиёсий жараёнда ҳар бир фуқаронинг ўз фикр-мулоҳаларини, таклифларини билдириши учун барча қулайликлар яратиб берилди.

Тадбир



ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

1 декабрь — Қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилган кун. Ушбу сана муносабати билан «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус шаҳрида жойлашган Республика қон қўйиш станциясида «Тил — миллат кўзгуси» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Нурлыбай Қаипбергенов сўзга чиқиб, электорат вакиллари ҳисобланган тиббиёт ходимларини байрам билан самимий муобрақбод этди. «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Баҳром Абдуҳалимовнинг қорақалпоқ халқига байрам муносабати билан

йўллаган эзгу тилаклари ва байрам табригини етказди.

Шундан сўнг тадбирда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси аъзоси, шоир Рауаж Отарбаев ўзининг «Она тилимсан» деб номланган янги шеърини ўқиб берди.

Тадбир сўнгида Республика қон қўйиш станцияси бош шифокори Айтмурат Танрибергенов партия томонидан амалга оширилаётган бир қатор эзгу ишларга, жумладан, "Бор меҳримиз сенга, болажон!" шиори остида ўтказилаётган беғараз донорлик акциясига тўхталиб, тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдирди.

Амир Темури тарихини ёритиш: эски ва янги қарашлар

Турк тарихчиси Дундар Алп шундай деб ёзади: «Темур ҳақидаги эътирозларнинг энг каттаси унинг «қонхўр», «золим» бўлганлигидир. Аммо бу ўша замонда, ўрта асрларда табиий ҳол эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Аслида, айрим ғаразгўй тарихларда ёзилгани каби бемаъни, сабсиз золимликни Амир Темурида топа олмаслигини эсимиз комилдир. Бугун энг маданиятли деб танилган мамлакатларда барча замонларда ҳам кўкка кўтарилган Наполеонларга, иккинчи Фредерикларга, Пётрлару Ҳанибалларнинг тўққан қонлари учун қандайин маъзурият кўрсата олурлар?»

ИБОДАТ ОДОБИНИ УНУТМАНГ!

Бунда биринчидан, исроф бор, иккинчидан, дабдабазорлик, ўзини кўрсатиш, манмансираш бўлса, учинчидан, бошқа борадиганларга ҳам қийинчилик, машаққатни келтириб чиқарадиган риёкорлик бор. Ундан кейингиси, қилган амали билан ғурурга кетиб қолиш бор. Амалларни ҳабата қилиб юборадиган нарса риёкорлик. Ваҳоланки, умра амалининг қабулини Худо билади. Қийматда билинади, бу дунёда билинмайди. Суннат ибодатини қилиб, гуноҳдан фориғ бўлиб келдим, деб ким айта олади?

2023 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Боғланиш учун телефон 91 165-02-66, 97 900-72-15

Обуна индекси — 1



Юзма-юз мулоқот

МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоевнинг хонқалик сайловчилари билан мулоқоти самарали бўлмоқда.

Депутат туман ҳоқими ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари билан биргаликда «Қорамози» маҳалласидаги «Гужумли» кўчасининг 5 та тор, «Саноат», «Янги аср» кўчаларида 6 км масофага ётқизилган шпес аралашмасининг сифати юзасидан ўрганиш ишлари олиб борди. Натижада аралашманинг чидамлик даражаси паст экани аниқланди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида текислаш ишларини қайтадан амалга ошириш, қўшимча шпес аралашмаси ётқизиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, депутат «Гулистон» маҳалласида жойлашган 19-сонли умумтаълим мактабида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 211-банди ижроси юзасидан тумандаги бошланғич (1-4) синф ўқувчилари бепул овқат билан таъминланиши, мактабдаги синф хоналарининг жиҳозланиши, дарсликларнинг сифати бўйича ўрганиш олиб борди.

Мақсуд Қурбонбоев Хонқа туман марказидаги қурилиш жараёни билан ҳам танишди. Депутатнинг сайловчилар билан учрашуви давом этмоқда.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати



Айни кунларда жамоатчилик орасида янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг тазмин-муоҳиратга бағишланган тарғибот тadbирлари ўтказилмоқда. Хўш, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи мазкур кодексга қандай ўзгаришлар киритилди? Иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига қандай янги меъёрлар жорий этилади? Шу каби саволлар бугун кўпчилигини кизиктирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Мамирова Жалақудуқ туманидаги қорхона ва ташкилотларда ходимлар билан ишловчи нозирлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида юқоридаги саволларга эътибор қаратди. Тадбирда меҳнат муносабатларини тартибга солишда миллий ва хорижий тажриба хусусида сўз юритилди.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— Ҳаётимизга бир қатор замонавий хизматлар ва шунга мос равишда янги иш ўринлари кириб келди. Меҳнат бозоридаги ўзгаришлар ўз-ўзидан иш берувчи ва ходим муносабатларини тартибга солишни талаб этапти. Янги тахрирдаги Меҳнат кодексига назарда тутилган ўзгаришлар, меҳнат ва хусусий ҳуқуқнинг бошқа соҳаларини такомиллаштириш, тегишли қонун нормаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганлиги бунга жавобдир.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, янги тахрирдаги Меҳнат кодексига аҳоли, айниқса, ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларни ишга жой-



лаштириш бўйича қўшимча қафолатлар белгиланган. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари ва уларнинг аниқ мезонлари ўрин олган. Бу каби ўзгаришлар ҳар бир жамоага тегишли. Шу сабаб уни ўрганиш орқали меҳнат муносабатларида қонунбузилишларнинг олди олинади.

Шунингдек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Жалақудуқ туманидаги «Қўтайба ибн Муслим» зиёратгоҳида маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари билан ҳашар ташкил этилиб, тозалов ишлари амалга оширилди. «Адолат» номи билан кўчатлар экилди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати



Юртда ҳар бир инсон ҳаёти, кадри, унинг соғлиғига эътибор юксак даражада бўлиши мамлакатнинг келажаги барқарорлиги, одамлар турмушининг ободлигидан дарак беради. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан куриб битказилган «Янгиер» санаторийси ҳам юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Джанибекова ва «Адолат» СДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Б.Абдуллаев, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ф.Райимназаров ушбу санаторийда дам олувчилар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Санаторий бош шифокори А.Муҳаммадиев санаторийнинг ташкил этилиши тарихи ва ҳозирда дам олувчилар учун кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумот берди. Шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, даволаш-ташхислаш хоналари ташкил этилиб, физиотерапия, даволаш жисмоний тарбия, массаж, иссиқлик, сув билан даволаш муолажалари, фитотерапия, лазеротерапия, психотерапия, дитетотерапия усулларида кенг фойдаланиш йўлга қўйилганини баён этди. Санаторий дам олувчиларнинг ошқозон-ичак тракти, таянч-ҳаракат тизими, юрак-қон томир ва асаб тизимлари касалликларини даволашга ихтисослашган.

— «Янгиер» санаторийсининг умумий майдони 33,96 гектарни ташкил этади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 250 киши дам олиши ва саломатлигини тиклаши кўзда тутилган. Айни пайтда 70 киши иш билан банд қилинган, — дейди санаторий бош шифокори А.Муҳаммадиев.

Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Ноябрь ойининг сўнгги кунларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов Наманган шаҳрида сайловчилар билан учрашди. Учрашувларда дунёда юз бераётган воқеалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Албатта, сайловчилар ҳаётда дуч келаётган муаммолар ва қийинчиликлар ҳақида ҳам сўзлашди. Одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди. Мисол учун, **Давлатобод туманидаги «Орзу» маҳалласида ички кўчаларни асфальтлаш маса-**



ласи кўтарилди. Чунки ёмғирли кунларда пидедалар лой кечиби юришига тўғри келмоқда. Эски

симёғочларни темир-бетон таянчларга алмаштириш керак. Худудни чиқиндилардан то-

залаш бўйича амалий чоралар кўриш талаб этилади. «Давлатобод» МФЙдаги уч-

Худудлардан хабарлар

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Адолат» СДП Беруний туман кенгаши томонидан тумандаги 65-сонли умумтаълим мактабида «Биз, ёшлар — Ўзбекистон эртаси, келажак бунёдкоримиз» шиори остида ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор ва фармонларнинг тарғиботи юзасидан учрашув ўтказилди.



Учрашувда партия туман кенгаши раиси Иномжон Қутимов мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга қаратилаётган эътибор ва имкониятлар хусусида сўз юритиб, бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмагани ва илм олиб, касб-ҳунар танлаш ҳар бир инсон ҳаётидаги энг муҳим танловлардан бири эканини таъкидлади.

Тадбир сўнггида ёшларга ижтимоий қўллаб-қувватлаш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини камол топтириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида атрофлича маълумот берилиб, ўз ўрнида ёшлар ҳам ўзларни қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Арзигул МАТЧАНОВА,
халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутати

33 НАФАР ФУҚАРОНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

«Адолат» СДПнинг «Бир ойда — бир иш ўрни» лойиҳаси доирасида Китоб туманида ҳамкор ташкилотларни жалб этган ҳолда мавжуд иш ўринларидан аҳолини бажариб олиш ва бандлигини таъминлаш, шу масала юзасидан ўрганишлар олиб бориш, вақтинча ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, партиянинг туман кенгаши ва туман ҳоқимлиги ташаббуси билан «Шарқ юлдузи» МФЙда «Бизнинг бош мақсадимиз — аҳоли бандлигини таъминлаш» мавзусида тадбир ўтказилди.

Дастлаб партия фаоллари, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар масъуллари уйма-уй юриб, маҳалла фуқароларининг муаммоларини ўрганишди. «Маҳаллабай» ўрганишлар жараёнида фуқароларни қийнаб келаётган ички йўлларни таъмирлаш, электр энергияси, тоза ичимлик суви, кредит билан боғлиқ 30 га яқин муаммоларни ҳал этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўрганиш жараёнида 33 нафар ёшлар ишсиз экани аниқланиб, халқ депутатлари Китоб туман Кенгаши депутати Марҳаб Шукруллаева ва Муқаддас Муродова томонидан уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Депутатлар кўмаги билан ёшлар ишга жойлаштирилди.

— «Адолат» СДП фаоллари ва депутатлар томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган ҳамўрликдан мамнунман, — деди Азамат Муродов. — Уларнинг беминнат кўмаги туфайли мен тумандаги ободонлаштириш бўлимига ишга жойлашдим. Энди оиламга иқтисодий фойда келтираман.

Нажмиддин ТўРАЕВ,
«Адолат» СДП Китоб туман кенгаши раиси

ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Абдуқодир Мустафоқулов ўз ваазифасини сидқидилдан бажариб, одамларнинг оғирини енгили қилиб, уларнинг муаммосига ечим топишда жонбозлик кўрсатиб келаётган депутатлардан бири саналади.

Депутат А.Мустафоқуловнинг Термиз шаҳар аҳолиси билан бу галги учрашуви ҳам гоят қизгин кечди. Айниқса, «Маърифат» МФЙда маҳалла фаоллари томонидан кўтарилган масалалар, «Темир дафтар»га киритилган оилаларга кўмаклашиш, ёшлар ва аёлларни касб-ҳунарга ўргатиш, бандлигини таъминлаш, худудни ҳар жиҳатдан ривожлантириш юзасидан бидирган фикр-мулоҳазалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Мавжуд муаммолар туман мутасаддилари билан биргаликда ўрганилиб, белгиланган тартибда назоратга олиними маълум қилинди.

— Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар билан шаҳар маҳаллаларидаги хонадонларда бўлиб, 200 дан ортиқ фуқаро билан мулоқот ўтказдик, — дейди депутат А.Мустафоқулов. — 40 дан зиёд фуқарога кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланиш, банкнинг имтиёзли кредити эвазига иссиқхоналар қуриш, парранда боқиш, лимон ва ёнғоқ экиш орқали қўшимча даромадга эга бўлиш юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилди. Эҳтиёжманд аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш, турмуш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш бугун давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Халқ манфаати йўлида савобли ишларни ният қилган партияимиз аъзолари ҳам ана шу эзу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби



рашувда сайловчилар худуддаги мактабда қиш мавсумига тайёргарлик ўлда-жўлда эканини баён этишди. Депутат «Адолат» СДП фаоллари билан таълим масканига йўл олди. Чундан ҳам 33-умумтаълим мактабида қишга ҳозирлик яқунланмаган экан. Иситиш тизими ишга туширилмагани учун хоналар совуқ. Ўқувчилар иссиқ, қалин кийимларда ўтиришибди. Бундай ҳолат машгулотлар савиясига таъсир этмай қолмайди. Д.Исмоилов мактабга Давлатобод тумани ҳокимлиги мутасаддиларини таклиф қилди ва улар билан биргаликда ҳолатни ўрганди. Вазиятни ўнглаш учун шошилиш чоралар белгиланди. Уларнинг ижросини назорат қилишни депутат ёрдамчиси Акмалжон Ҳайдаров ва партия фаоллари зиммаларига олди.

«Депутат ёшлар даврасида» лойиҳаси доирасидаги учрашув эса Наманган давлат университете-

тида ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов юридик факультети иккинчи босқич талабалари билан суҳбат ўтказди. Унда «Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳамда янги тахрирдаги Меҳнат кодекси асосий мавзу бўлди. Интер-фаол усулда ташкил этилган тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

— Бўлажак ҳуқуқшунослар учун бундай мулоқотларнинг аҳамияти жуда катта, — дейди НамДУ юридик факультети декани ўринбосари Иброҳимжон Отамирзаев. — Улар суҳбат жараёнида қонун ижодкорлигининг ўзида хос жиҳатлари билан танишди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Муҳокама учун мавзу



ИБОДАТ ОДОБИНИ УНУТМАНГ!

Мамлакатимиз мусулмонларнинг хотиржам ибодат қилишлари, шунингдек, фарз ва суннат амаллари бўлмиш ҳаж ва умра зиёратларига навбатсиз бориб-келишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилаётгани бос қисқа вақт ичида минглаб юртдошларимизнинг орзулари ушалмоқда. Бирок айрим кишилар томонидан сафардан қайтган яқинлари дабдаба билан кутиб олинаётгани кўпларни ранжитмоқда. Баъзилар эса бундай шариатга зид амалларни жоиз кўриб, урфга айлантириб олмоқдалар.

Сир эмас, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ҳаж ва умра зиёратидан қайтган ота-оналарни дабдаба билан кутиб олиш жараёнлари ёритилмоқда. Бундай бидъат амаллардан ўрнатилган баъзи юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ҳаддан ортиқ сарф-харажатлар қилишмоқда, баъзан ўзаро мусобақаланишга бориб етишмоқда. Аслида шариат аҳкомлари бўйича сафардан, айниқса, ҳаж ва умра амалларини бажариб келган яқинларни кутиб олиш одоби қандай? Биз ана шу саволга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво марказининг телеграмдаги "@SavollarMuslimUzBot" сайтга мурожаат қилдик.

Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази мутахассиси Отабек МАМАДИЕВнинг овозли маърузаси ёзилган қуйидаги жавоб келди:

— Аллоҳ таолога шукурларким, юртимизда барча соҳаларда ривожланиш, тараққиёт, юксалишлар бўляпти. Хусусан, диний соҳамизда ҳам, яъни юртдошларимизнинг ҳаж, умра ибодатларига навбатсиз бориб-келиш ва хотиржам ибодат қилишларига етарли шарт-шароитлар яратилди. Албатта, неъмат зиёда бўлгани сари ношукурлик ҳам кўпаяр экан. Умра ибодатига навбатсиз бориб-келишлари жараёнида баъзи бир фуқароларимиз орасида ҳаддан оширилиқ, исрофгарчилик, дабдабозлик қилиш ҳолатлари ҳам кузатиляпти. Шу хусусда динимизда қандай кўрсатмалар бор?

Маълумки, динимизда бир қанча маросимлар бор, зиёфатлар бор. Булардан бири нақиъа дейилади. Яъни мусофир одам сафардан келган пайтда: «Эсон-омон келдингизми?» деб кўргани келган одамларга меҳмондорчилик зиёфати берилади. Нақиъа зиёфати исломда бор зиёфатлардан бўлиб, бунини уламоларимиз мустаҳаб дейишган. Мустаҳаб дегани қилса — савоб бўладиган, қилмаса, гуноҳ бўлмайдиган амал. Яъни на вожиб эмас, на фарз эмас. Лекин бор амал, қилса, савоб бўлади. Пайғамбаримиз С.А.В. Мадинаи мунавварага келганларида қилган зиёфатларини уламоларимиз келтиради, Имом Бухорий саҳиҳларида ҳам келтирилганлар ва бошқа, ибти Умар розияллоҳу анҳу бу зоти сафардан келганларида уларига табриклагани келганларга зиёфат қилиб берганлари ҳадис китобларида келтирилган.

Хуллас, нақиъа, яъни мусофир сафардан келгандан кейин зиё-

фат беришлари, маросим қилиб бериши шариатимизда мустаҳаб бўлган амалдир. Лекин буни қандай шартда, қандай шароитда, қандай шаклда ўтказиш керак? Ҳар нарсада мўътадиллик бўлиши керак. Мўътадиллик шуки, на исрофгарчилик қилмаслик керак, на бунини йўққа ҳам чиқармаслик керак. Хусусан, умра зиёрати улуг зиёрат. Пайғамбаримиз С.А.В. равзалари, байтуллоҳ зиёрат қилинади, ибодатлар қилинади. Шундай улуг, табаррук жойдан келгандан кейин, албатта, ихлосли халқимиз чин дилдан, хурсанд бўлиб кутиб олади. Ва бу, албатта, гўзал иш. Лекин ҳар нарсада чегара бўлиши керак. Ҳозир кузатиляётган ҳолат битта туяни ижарага олишиб, чиройли зийнатлаб ёки бутун маҳалланинг бошидан охиригача гиламлар тўшаб, умрадан келаётган одамнинг хонадонининг ҳамма жойларини қимматбаҳо нарсалар билан зийнатлаб, яна ҳар бир келган кишиларга совғалар тарқатиб, халққа ош дамлаб, зиёфат тарқатиш ҳолатлари кузатиляпти. Буларнинг кўпиди исрофгарчилик бор. Сабаби, умрага бориб-келиш маблағидан ортиқча маблағ сарфланаяпти. Ҳатто баъзи инсонлар умрага боришга маблағим бор, лекин келгандан кейинги харажатга пулим йўқ, дейишмоқда.

Бундан қуринадики, бу каби дабдабозликлар қанчадан-қанча зиёратга борадиганларнинг иккиликанишига сабаб бўлмоқда. Хуллас, содир этаётган камчилигимиз халқимизнинг яхши амалдан қайтшига хизмат қилмаслиги керак. Уйга туяда келишнинг, бу-

тун маҳаллага гиламлар тўшаб ва қимматбаҳо зийнатлар билан безашнинг нима кераги бор?!

Бунда биринчидан, исроф бор, иккинчидан, дабдабозлик, ўзини кўрсатиш, манмансираш бўлса, учинчидан, бошқа борадиганларга ҳам қийинчилик, машаққатни келтириб чиқарадиган риёкорлик бор. Ундан кейингиси, қилган амали билан ғурурга кетиб қолиш бор. Амалларни ҳабата қилиб амаллаган нарса риёкорлик. Ваҳоланки, умра амалининг қабулини Худо билади. Қиёматда билинади, бу дунёда билинмайди. Суннат ибодатини қилиб, гуноҳдан фориғ бўлиб келдим, деб ким айта олади?

Яна бири — бутун халқимиз динимизда йўқ нарсани кўриб, уни динимиздан деб ўйлаб қолиши мумкин. Масалан, динимизда сафардан келган одам ҳақиқатдан зиёфат қилиб бериши бор амал. Лекин ҳаддан ошириб бўлмайди. Кимдир бунини динда бор экан, дабдабали қилиш керак экан, деб халқимиз ичида янги бидъат пайдо бўлишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Мустаҳаб бўлган амални ҳаддан ошириш

макруҳлик даражасига етиб қолади. Шунинг учун ҳар бир одам ибодатини ўзи учун қилади, биров учун қилиб бермайди, ибодатини кўз-кўз қилмайди, ҳар бир ибодат қилганда бошқаларга қийинчилик, машаққат туғдирмайди, ибодатида мағрур бўлмайди, ҳар бир одам ибодатини Худо учун қилади, риё учун қилмайди, ҳар бир одам ибодат қилганда ибодатим қабул бўляптими, деган кўркўвда бўлади, сурура бўлмайди.

Азизлар, ибодат қилиш сиз билан бизга насиб қиялпими, бунинг учун хурсанд бўлайлик! Фарзандлар хурсанд бўлиб, ота-онамиз умрадан келяпти, деб яхши шароитлар яратишни хоҳлайдилар, лекин биз фарзандларга тушунтиришимиз керак. Ортиқча даромади бўлса, етимларга, қийналганларга бер, деб айтишимиз керак. Сабаби, ҳар нарсада ҳаддан ташқарига чиқмаслик керак. Ҳаддан ташқарига чиқиш шариатимизда қайтарилган амалдир.

Айтилганларга амал қилиб, Аллоҳ берган неъматга шукур қилиб, исроф қилмасдан, халқимиз шундай неъматдан маҳрум бўлиб қолмаслигини ўйлашимиз керак. Улуғларимиз неъматга шукур қилиши Аллоҳ берган неъматни зиёда қилади, ношукурлик эса қўлда турганини ҳам кеткизиб қўяди, деганлар. Қилаётган ишларимиз ношукурликка кириб қолмасин.

Муҳиддин ОМАД
ёзиб олди

Кўзгу

Дунё мамлакатларида давлат тили қоидаларини бузишга ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕРИЛАДИ?

РОССИЯ

“Давлат тили тўғрисида”ги Россия Федерал қонунига кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Россия ҳудудида фаолият юритувчи ҳар қандай ташкилот давлат тили (рус тили)да иш юритиши, ташкилотни номлашда ҳам давлат тилидан фойдаланиши белгиланган. Россияда 190 дан ортиқ миллат ва элат яшайди. Қонунни бузиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

GERMANYA

“Маъмурий амалиётлар тўғрисида”ги қонунга кўра, маъмурий амалиётлар учун расмий тил сифатида немис тили белгиланган. Агар масъул одамга немис тилидан бошқа тилда мурожаат қилинса, орган дарҳол унинг немис тилига таржима-сини талаб қилиши керак. Немис тилидан бошқа тилда мурожаатлар кўриб чиқилмайди.

IRLANDIYA

Давлат тили сифатида ирланд ва инглиз тили қабул қилинган. Давлат органларида давлат тиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинаётганини текшириш бўйича алоҳида орган мавжуд. Агар давлат органи ушбу ташкилотга ҳужжатларни тақдим қилмаса, улар билан ҳамкорлик қилмаса, ушбу орган мансабдор шахси учун 2000 еврогача жарима ёки 6 ой қамоқ жазоси белгиланган. Текширувлар натижасида тил тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланса, давлат органи мансабдор шахси жавобгарликка тортилиши мумкин.

FRANSIYA

Конституцияда фақат француз тили давлат тили деб белгиланган. Тубон қонунига кўра, давлат ташкилотлари томонидан иш юритиш истисносиз француз тилида олиб борилади, терминларнинг французча муқобили турганда, инглизчаси ёки бошқа тилдагисини ишлатиш тақиқланади. Франция аҳолисининг 51 фоизи француз тилидан бошқа тилда гаплашади. Қонун талабларига риоя қилмаганлик жисмоний шахсга 700 евро, юридик шахсга 3750 евро жарима солинишига сабаб бўлади, бошқа тилда пешлаётгани ёки ёрлиғи ёзилган мулк мусодара қилиниши ҳам мумкин.

GRUZIYA

“Давлат тили тўғрисида”ги қонунга кўра, давлат корхона ва ташкилотларида фақат грузин тилида иш юритилади, зарурат туғилса, ҳужжатлар бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин, аммо бу таржималар расмий ҳужжат ҳисобланмайди.

OZARBAIJON

Конституцияга кўра, давлат тили озарбайжон тили ҳисобланади. «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга кўра, ташкилотларда иш юритиш давлат тилида олиб борилади. Қонун талабига риоя қилмаслик тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

TURKIYA

Барча ёзишмалар, ёзув ва ҳисоб-китоблар ҳеч қандай истисноларсиз турк тилида олиб борилиши талаб этилади. Ушбу талабга риоя қилмаганлик маъмурий жаримага тортилишга сабаб бўлади. Турк юридик шахслари ўртасида тузилган турк тилида бўлмаган шартномалар бекор қилинади.

QATAR

2019 йилда қабул қилинган янги қонунга кўра, Қатарда барча давлат органлари ва расмий ҳужжатларда араб тилидан мажбурий фойдаланилади. Қонун талабларига амал қилмаганлик учун 50 000 қатар риали (14 000 АҚШ доллари атрофида) миқдорда жарима белгиланган.

Карим Баҳриевнинг Фейсбукдаги саҳифасидан олинди

Ҳикмат

Бир кун Альберт Эйнштейн доскада масала ечди:

- 9 x 1 = 09
- 9 x 2 = 18
- 9 x 3 = 27
- 9 x 4 = 36
- 9 x 5 = 45
- 9 x 6 = 54
- 9 x 7 = 63
- 9 x 8 = 72
- 9 x 9 = 81
- 9 x 10 = 91


ХАТО ҚИЛИШИНГНИ КУТАРЛАР

Тўсатдан залда тартибсизлик пайдо бўлди, чунки Альберт Эйнштейн битта масалани нотўғри ечган эди, 9 x 10=91. Барча ўқувчилари уни масхара қилишди.

Эйнштейн ҳамма жим бўлишини кутди ва шундай деди:

— Тўққизта саволни тўғри таҳлил қилган бўлсам ҳам ҳеч ким мени табрикламади, лекин мен битта саволни нотўғри ечганим учун ҳамма устимдан кулди. Демак, агар инсон жуда муваффақиятли бўлса ҳам одамлар кўзига унинг энг кичик хатоси кўринади ва кўпчилик бундан «завқланади».

Ҳаётда ҳеч қачон хато қилмайдиган одам ҳеч нарса қилмайдиган одамдир.



Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

- Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
- Наримон УМАРОВ
- Мухаммад АЛИ
- Гавхар АЛИМОВА
- Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
- Қодир ЖўРАЕВ

- Зухра ИБРАГИМОВА
- Тошпўлат МАТИБАЕВ
- Тальят МУРОДОВ
- Абдуқамол РАҲМОНОВ
- Умиджон СУЛАЙМОНОВ
- Собир ТУРСУНОВ
- Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

- Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132);
- Котибият — 71 288-42-12 (132);
- Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс;
- Қабулхона — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15
- Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132);
- Масъул котиб — Абдугани Мамасодиқов
- Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

info@adolatgz.uz
adolatgz-95@mail.ru



Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюролма Г — 1200

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 1296
Босиниға топширилиш вақти — 21.00
Босиниға топширилди — 21.00
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1 2 3 4 5 6